

## Профессор-ўқитувчилар ва докторантларга хориж тажрибалари

Хабарингиз бор институтимизнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори Тоҳиржон Султанов АҚШга қилган хизмат сафари бўйича ректорат аъзоларига тақдимот қилган эди. Тақдимот натижаларидан келиб чиққан ҳолда, институтда фаолият юритиб келаётган Гидромелиоратсия факултети профессор-ўқитувчилари, докторантлар ва талаба-магистрантлар учун бугун 4 маърузалар залида АҚШнинг Калифорния Девис университетининг фаолияти, Калифорния штатида сув ресурсларини бошқариш, сув тежовчи технологиялар, ер ости сувларидан фойдаланиш ва уларни бошқаришга доир алмашилган тажрибаларни тўлиқ ва тушунарли қилиб қатнашчилар эътиборига етказди.

Шу билан бирга, ТИҚХММИ ҳамда Девис Университетининг фаолият йўналишлари деярли бир хил эканлиги, дунёда аграр-иқтисодий соҳаларда етакчилардан бири саналиб келинаётган ушбу таълим даргоҳи билан келажакда институтимизнинг Гидромелиоратсия факултетини ҳамкорликда бирга ишлаш йўналишлари тўғрисида айтиб ўтиб, ўзаро фикрлар алмашилди.



**Институт халқаро рейтинг фаолиятини мониторинг қилиш бўлими бошлиғи Фиёсиддин  
Ғозиев ахбороти**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**